

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

УСТУВОРЛИКЛАР

Экспорт, инвестиция ва маҳаллийлаштиришни кенгайтириш – муҳим масалалар

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида ўтган ҳафтада бўлиб ўтган видеоселектор йиғилиши экспорт, инвестиция ва маҳаллийлаштиришни кенгайтириш масалаларига бағишланди.

Жаҳонда иқтисодий рақобат тобора кучайиб бораётган ҳозирги даврда барқарорликнинг асосий омили ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ташқи бозорларда мустақкам ўрин эгаллашдир.

Экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича қўрилган чоралар натижасида ўтган йили мамлакатимиз экспорти ҳажми 28 фоизга ўсди. Худудий саноат экспорти қарийб 2 баробарга ошди.

Мазкур йўналишдаги кўрсаткичларни янада ошириш мақсадида бу йилдан бошлаб прогноз кўрсаткичларини белгилаш ва мониторинг қилиш бўйича янги тизим жорий этилди. Авваломбор, экспорт прогнози 3 йиллик қилиб тасдиқланди. 2020 йил режаси ўтган йилгига нисбатан 22 фоиз кўп белгиланди.

Экспорт, инвестиция ва маҳаллийлаштириш йўналишларига маъсул мутасаддиларнинг вазифалари кўриб чиқилар экан, ҳар бир доллардан унумли фойдаланиш бўйича ҳудудлар ва тармоқлар раҳбарларининг шахсий маъсулияти белгиланди.

Давлатимиз раҳбари бундан буён тармоқ ёки ҳудуднинг масаласи деган сансоларлик бўлмаслиги, экспорт прогнози ижросини таъминлашга ҳар бир вазир, ҳўжалик бирлашмаси раҳбари

ҳоқим билан бирга теппа-тенг жавоб беришини таъкидлади. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига жорий йилги экспорт прогнози ижросини тўлиқ таъминлаш бўйича «йўл харитаси» ишлаб чиқиб, маҳсулотларни қаерга, қачон экспорт қилиш ва бунга амалга ошириш бўйича аниқ чора-тадбирларни белгилаш вазифаси қўйилди.

Тўқимачилик, мева-сабзавотчилик, чарм-пойабзал, қурилиш материаллари ва автомобиль саноати каби етакчи тармоқлар салоҳиятидан самарали фойдаланиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Мамлакатимиз экспортёрларининг салоҳиятли бозорларга киришини енгиллаштириш учун имтиёзли савдо режими жорий этиш, «GSP+» умумий преференциялар тизимига қўшилиш юзасидан ҳам кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда мева-сабзавотлар экспорти масаласи атрофида муҳокама қилинди. Хусусан, мева-сабзавот экинларини экспорт талабидан келиб чиқиб оптимал жойлаштириш, салоҳиятли ташқи бозорларда савдо уйлари ва дилерлик тармоқларини ташкил этиш бўйича топшириқлар берилди. Ихтисослашган 55 та туманда мева-сабзавотлар етиштиришни кластер шаклига ўтказиш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди.

Экспорт фаолияти жозибадорлигини ошириш учун экспорт ва экспорт олди молиялаштириш тизимини ташкил этиш, ташиш харажатларини қоплаш механизмини кенгайтириш борасида чора-тадбирлар белгиланди.

Видеоселектор йиғилишида инвестицияларни жалб этиш масалалари таҳлил қилинди.

Ўтган йили барча манбалар ҳисобидан ўзлаштирилган инвестицияларнинг қарийб 30 фоизини тўғридан-тўғри хорижий сармоялар ташкил этди. Саноати ривожланмаган, олис туманларга ҳам катта инвестициялар кириб борди. Умумий қиймати 5,4 млрд доллар бўлган 145 та тармоқ ва 167 та ҳудудий лойиҳалар ишга туширилди.

Жорий йилдан бошлаб Инвестиция дастурлари янги тизим асосида ишлаб чиқилди. 2020 йил учун 1 569 та хусусий ва тўғридан-тўғри инвестиция лойиҳалари рўйхати тасдиқланди. Мазкур дастурга асосан шу йилда 233 трлн 200 млрд сўм, жумладан, 7,1 млрд доллар миқдорда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар ўзлаштирилиши кўзда тутилган.

Видеоселекторда жорий йилда бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётган ижтимоий ва инфратузилмавий лойиҳалар ижроси ҳам муҳокама қилинди. Президентимиз бюджет маблағларининг самарали сарфланиши, белгиланган 2 190 та объектада қурилиш-таъмирлаш ишлари сифатли

бажарилишини қатъий назоратга олиш зарурлигини таъкидлади.

Инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва мониторинг қилиш, инвестициялар самарадорлигини баҳолашда муаммолар сақланиб қолаётгани қайд этилди.

Инвестиция лойиҳаларини жойлаштиришда биринчи навбатда инфратузилмага уланиш имкониятлари ва харажатларига алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди.

Бугунги куннинг долзарб масалаларидан яна бири – маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш орқали ички ва ташқи бозорда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳисобланади.

Шу мақсадда 2019 йил якуни бўйича локализация доирасида 800 дан ортиқ лойиҳалар ишга туширилди. Хусусан, поливинилхлорид, катанка, электрод-вигатель, шиша идишлар, маиший техника, ҳар хил дори-дармонлар ва бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Жорий йилдан бошлаб маҳаллийлаштириш дастурини янги равишда амалга оширишда давлатимиз раҳбари. 830 та лойиҳа доирасида 9 трлн сўмлик янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, лойиҳаларни амалга оширишда асосий эътибор маҳсулотнинг рақобатбардошлиги ва иқтисодий самарадорлигига, таннархини камайтиришга қаратилиши керак.

Видеоселектор йиғилишида мутасадди раҳбарларнинг ҳисоботи эшитилди, галдаги муҳим вазифалар белгилаб олинди.

ЎЗА материали асосида тайёрланди.

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



Хусусий нотариал фаолият билан шуғулланиш учун лицензия зарур

ЎРҚ-602-сон Қонун билан нотариат тизими тўқдан ислоҳ қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Қонунга мувофиқ 10 дан ортиқ қонун ҳужжатларига ҳам қўшимчалар киритилди.

Хусусан, «Гаров тўғрисида»ги Қонунга киритилган ўзгартиришларга асосан бирламчи бозордан кўчмас мулк ва транспорт воситаларини олиш чоғидаги ипо-

тека ва гаров тўғрисидаги шартномалар нотариал тартибда тасдиқланмайд.

«Нотариат тўғрисида»ги Қонун хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус, нотариал палата тўғрисидаги нормалар билан тўлдирилди.

Энди хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус:

➢ юридик шахс ташкил этмаган ҳолда ўз идорасига эга бўлишга;

➢ банк ҳисобварағи ва бошқа шахсий ҳисобварақлар очишга;



➢ мулкӣ ҳамда шахсий номулкӣ ҳуқуқларга эга бўлишга ҳамда мажбуриятларни ўз зиммасига олишга;

➢ ходимлар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилишга;

➢ судда ўз номидан иштирок этишга ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли.

Нотариал палата хусусий амалиёт билан шуғулланувчи барча нотариусларнинг аъзолигига асосланган нотижорат ташкилотдир.

Бундан ташқари, хусусий нотариал фаолият билан шуғулланиш учун лицензия зарур.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 15.01.2020 йилдан кучга кирди.

2-бетда

Ушбу сонда:

3-6-БЕТЛАР

Саволлар пенсия тайинлашга доир

7-БЕТ

Ҳокимият нимага асосан корхона почта манзилини ўзгартиришни талаб этади?

8-БЕТ

Электрон меҳнат дафтарчалари қандай юритилади

Мигрантларни қўллаб-қувватлаш департаментининг функциялари кенгайтирилди

Президентнинг 10.01.2020 йилдаги ПФ-5903-сон Фармони билан Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий ҳамкорлигини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

Эслатиб ўтамиз, Президентнинг 20.08.2019 йилдаги ПФ-5785-сон Фармони билан хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон фуқароларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чоралари ишлаб чиқилган. Ҳужжат билан Ташқи меҳнат миграцияси масалалари бўйича Республика комиссияси ва Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

департаменти ташкил этилган. Департамент вазифалари жумласига мигрантлар муаммоларини аниқлаш, уларни ҳал этишга оид муайян тақлифларни ишлаб чиқиш киритилган. Департамент делегацияси мигрантларнинг меҳнат ва маиший шароитлари билан танишиш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида мамлакатларга ташриф буюради.

Қабул қилинган ҳужжат билан ушбу орган Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва халқаро иқтисодий ҳамкорлик масалалари департаменти этиб қайта ташкил этилди. Департамент зиммасига қўшимча бир қатор вази-

фалар юкланди. Хусусан, у миллий иқтисодиётнинг муҳим вазифаларини ҳал этиш ҳамда уни барқарор ривожлантиришга қаратилган интеграциялашуви имкониятларини кенгайтириш ишларини мувофиқлаштиради.

Фармонга мувофиқ бир қатор вазирлик ва идораларнинг марказий аппарати тузилмасида ходимлар умумий чекланган сони доирасида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг жаҳон иқтисодий тизими-га интеграциялашуви масалалари билан шуғулланувчи таркибий бўлинмалар ташкил этилади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 11.01.2020 йилдан кучга кирди.

Доимий ва вақтинча прописка қилиш тартиби соддалаштирилди

Вазирлар Маҳкамасининг 28.12.2019 йилдаги 1049-сон қарори билан Ўзбекистон Республикасида доимий ва вақтинча прописка қилиш тартибини янада соддалаштиришга қаратилган чора-тадбирлар белгиланди.

Қарорга мувофиқ ЛБМА қошидаги «Электрон ҳуқумат ва рақамли иқтисодиёт лойиҳаларини бошқариш маркази» ДУК томонидан ИИВ ҳамда Давлат хизматлари агентлиги билан биргаликда 2 ой муддатда прописка бўйича давлат хизматлари Ягона интерактив давлат хизматлари портали (ЯИХДП) орқали ҳам кўрсатилиши таъминланади. Шунингдек ЯИДХП орқали давлат хизматлари кўрсатилишининг ҳар бир босқичида мурожаатларнинг кўриб чиқишлигини кузатиб бориш тартиби жорий этилади.

Ҳужжатда фуқароларни турган жойи бўйича ҳисобга олиш соҳасида давлат хизматини кўрсатиш дастлаб тажриба тариқасида Тошкент шаҳрининг Бектемир ва Чилонзор туманларида, 2021 йил 1 январдан бошлаб эса республика миқёсида фақат Давлат хизматлари марказлари орқали жорий этилиши назарда тутилган.

Масъул шахслар ишга тақлиф этилаётган мутахассисларга ва тор ихтисосликдаги мутахассисларга доимий прописка қилиш учун асосланмаган илтимоснома берганлиги учун шахсан жавобгар эканликлари тўғрисида огоҳлантирилган. Шунингдек бундай мутахассисларнинг лавозимдан озод қилинганлиги, бошқа ишга ўтганлиги ёки пенсияга чиққанлиги тўғрисида ўз вақтида хабар бермаганлиги учун ҳам жавобгар бўладилар.

Прописка қилиш билан турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартибига қуйидаги ўзгаришлар киритилиши назарда тутилмоқда:

➢ фуқароларни прописка қилиш, прописканидан чиқариш ва турган жойи бўйича ҳисобга олишни яшаш жойига яқин ва уларга қулай бўлган хоҳлаган туман (шаҳар) ички ишлар бўлими томонидан амалга ошириш тартибини жорий қилиш;

➢ фуқароларни прописка қилиш ёки турган жойи бўйича ҳисобга олишга уй-жой мулкдорларининг шахсан иштироки талабини бекор қилиш ҳамда ҳужжатларни уларнинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқлаш тизимини жорий этиш;

➢ фуқаролар янги яшаш жойига келганда доимий прописка қилиш ёки турган жойи бўйича ҳисобга олиш учун ҳужжатларни тақдим этиш муддатини 10 кунгача узайтириш.

Барча айтиб ўтилган янгиликлар қарор билан тасдиқланган қуйидаги ҳужжатларда ҳисобга олинган:

➢ Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш, прописканидан чиқариш ва турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низом;

➢ Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тартиби тўғрисидаги низом;

➢ Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида вақтинча прописка қилиш тартиби тўғрисидаги низом.

Қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 30.12.2019 йилдан кучга кирди.

Анвар Иркаходжаев, «Norma» МЧЖ эксперти.

1 мартдан бошлаб бизнес субъектлари инкассация учун ўзлари ҳақ тўлайди

Тегишли ўзгаришлар Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 16 январдаги 30-сон қароридан назарда тутилган.

Илгари фақат кунлик нақд пул тушуми 1 ЭКИҲ-гача бўлган хўжалик юритувчи субъектлар (кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари – 20 гача) банкка нақд пулни мустақил равишда топширишлари мумкин эди. Бу чегарадан ошган тақдирда Марказий банкнинг инкассация хизматига мурожаат қилиш лозим бўлган. Бироқ бизнес воситачилик ҳақини тўлашдан озод қилинганди – инкассация харажатларини банклар қоплашган.

2018 йилнинг 1 ноябрдан бошлаб вазият тубдан ўзгача тарзда. Нақд пул тушумини суммасидан қатъи назар ўзлари топширишлари учун имконият берган ҳолда, барча хўжалик юритувчи субъектларга ягона қоидалар белгиланган. Ўртача кунлик пул тушуми ҳажми фақатгина даврийликка таъсир кўрсатади: 20 БҲМ (4 460 000 сўм) гача бўлган сумма белгиланган даврларда топширилади ёки инкассация қилинади, ундан ортиги – ҳар қуни.

Бундан ташқари, инкассация хизмати кўрсатиш бўйича давлат монополияси бекор қилинди. МБ хизмати билан бир қаторда мижобил (хусусий) инкассатор хизматлари фаолият кўрсатиши мумкин.

Бошқача айтганда, энди хўжалик юритувчи субъектлар инкассаторлар хизматида мурожаат қилган тақдирда буни қонун ҳужжатлари талаблари туфайли эмас, балки ўз ташаббусларига кўра амалга оширадилар.

Бундан ташаббускор (хўжалик юритувчи субъект ёки банк) билан инкассация хизмати ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик улар ўртасида тузилган шартнома доирасида қурилиши, бунортмачи эса – мазкур шартнома бўйича нақд пуллари банкларга отказиб берилиши бўйича хизматларга ўзи ҳақ тўлаши мантиққа тўғри келади. Мазкур тартиб 2020 йил 1 мартдан амал қилишни бошлайди.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган.

Олег Заманов, «Norma» МЧЖ эксперти.

Эълон

Микрофирма ва кичик корхоналар диққатига!

Тошкент шаҳар статистика бошқармаси барча микрофирма ва кичик корхоналар томонидан тақдим этиладиган 1-KB shakli (йиллик) «Микрофирма ва кичик корхонанинг 2019 йил учун ҳисоботи»ни жорий йилнинг 26 февралдан кечиктирмай, чет эл инвестициялари ва хорижий сармоя иштирокидаги микрофирма ва кичик корхоналар 26 мартдан кечиктирмай ўз вақтида ва сифатли тақдим этишлари лозимлигини эслатади.

Ҳисобот Интернет тармоғи воситасида, давлат статистика ҳисоботларини электрон кўринишда йиғиш автоматлаштирилган тизими eStat 3.0 орқали электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда тақдим этилади. eStat 3.0 тизимида мавжуд давлат статистика ҳисоботларининг электрон шакли (шаблон)ни Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг www.stat.uz расмий сайтдан олишингиз мумкин.

Маълумот учун телефонлар: 230-88-29, 230-88-26, 230-88-09.

УШБУ СОНДА

• УСТУВОРЛИКЛАР

– Экспорт, инвестиция ва маҳаллийлаштиришни кенгайтириш – муҳим масалалар **1-бет**

• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Янги ҳужжатларни тақдим этишимиз **1-2-бетлар**

• ПЕНСИЯ ИШИ

– Иш ҳақи, пенсия ва стипендиялар оши-

рилади

– Ким тўлайди?

– Пенсия ислохотининг янги Концепцияси тайёрланади

– Танлаш имкони берилади

– Ёрдам олиш ҳуқуқи

– Сизга берилмайди

– Қоғозбозликларсиз...

– Пенсияга – муддатидан олдин

– Аниқлаштиришим керак

– Пенсия ёки нафақа

– Артистлар учун устама ҳақлар

– Оналар учун имтиёз

– Таътил ва ўқий ҳисобга олинмайди

– Пенсия тайинлаш тартиби

– РФ пенсия ислохоти демографик прогнозда

3-6-бетлар

• ХЎЖАЛИК ЮРИТИШ ҚОИДАЛАРИ

– Дивидендлар товарлар билан

– Исталган минтақада ишлаш мумкин

– Аҳолига хизмат кўрсатишда НКМ бўлиши шарт

– Зарар суммаси юзасидан баҳслашиш ҳуқуқи **7-бет**

• КАДРЛАР БЎЛИМИ

– Ягона миллий меҳнат тизими қандай ишлайди **8-бет**

ПЕНСИЯ ИШИ



Махсус мавзувий сон*

Газетамиз саҳифаларида имтиёзли пенсия тайинлаш шартлари тўғрисида бир неча марта ёзган эдик. Ушбу нашрда зарарли меҳнат шароитларида ишлайдиган ташкилотлар ва Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг айрим жиҳатлари ҳақида билиб оласиз. Ҳар доимгидек, ўқувчиларимизнинг саволларига «Norma» МЧЖ экспертлари жавоб берадилар.

Қонунчиликдаги янгиликлар

Иш ҳақи, пенсия ва стипендиялар оширилади

Бу Президентнинг «Ўзбекистон Республикасининг «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (30.12.2019 йилдаги ПҚ-4555-сон) 7-бандида назарда тутилган.

2020 йил 1 февралдан бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар, нафақалар, шунингдек кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам миқдорлари 1,07 бараварга оширилади.

Тегишинча кўрсатилган санадан бошлаб асосий ҳисоб-китоб кўрсаткичлари куйидагиларни ташкил этади:

- меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори (МҲЭKM) – ойига 679 330 сўм;
- пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори (ПҲБМ) – бир ойда 238 610 сўм;
- ёшга доир энг кам пенсия – бир ойда 466 680 сўм;

➢ болалигидан ногиронларга бериладиган нафақа – бир ойда 466 680 сўм;

➢ зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ва меҳнатга қобилиятсиз фуқароларга бериладиган энг кам нафақа миқдори – бир ойда 286 390 сўм;

➢ базавий ҳисоблаш миқдори (БҲМ) ўзгартирилмасдан 223 000 сўм даражасида қолдирилди.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинган ва 1.01.2020 йилдан кучга кирди.

БУГУНГИ СОНДА:

КИМ ТўЛАЙДИ?

Иш берувчи
эътиборига

2

**ҚОҒОЗБОЗЛИК-
ЛАРСИЗ...**

Далил –
электрон
шаклда

5

**АНИҚЛАШТИРИ-
ШИМ КЕРАК**

Шубҳа пайдо
бўлганда

6

**ТАЪТИЛ ВА
ЎҚИШ ҲИСОБГА
ОЛИНМАЙДИ**

Одатий ёки
махсус...

7

Ўзбекистон Республикаси
қонунчилиги

www.norma.uz

Мавзувий сонни Алла Ромашко олиб боради.

Экспертдан сўранг

Ким тўлайди?

Имтиёзли пенсия тайинлаш тўғрисидаги тушунтиришлар газетамиз саҳифаларида бир неча марта чоп этилган. Зарarli меҳнат шaroитларида фаолият юритадиган ташкилотлар ва Молия вазирлиги ҳузуридagi бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ўртасидagi ўзарo муносабатлардagi айрим жиҳатлар ҳақида «Norma» МЧЖ эксперти Зафаржон Хўжаев сўзлаб беради.

– Қонун ҳужжатларида 3 турдаги давлат пенсияларини тўлаш белгиланган: ёшга доир, ногиронлик, боқувчисини йўқотганлик учун пенсия. Шунингдек нафақаларни тўлаш тартиби ҳам назарда тутилган. Ушбу тўловларнинг ҳаммаси бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўланадими?

– Маълумки, ПЖ даромадлари мажбурий тўловлар, бадаллар, акратмалар ва бошқа тўловлардан жамланади. Жамғармани бундай шаклантириш тартиби Ўзбекистон қонунчилиги билан белгиланади. Тайинланган пенсия, шунингдек нафақалар, шу жумладан дафн этиш маросими учун тўловлар ушбу маблағлар ҳисобидан тўланади («Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 66-моддаси; АВ томонидан 8.05.2002 йилда 1136-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомнинг 1-банди).

Мажбурий тўловлар ва бадаллар ҳақида айтилди, энди бошқа тўловларга келадиган бўлсак, улар тоифасига ташкилотлар томонидан имтиёзли пенсияларни (5 йил олдин) тўлаш харажатларини қоплаш учун Пенсия жамғармасига ўтказиладиган ажратмалар киритилади. Масалан, зарarli ва оғир меҳнат шaroитларида ишлаган ходимларга пенсия тўлаш учун (Қонуннинг 12-моддаси; ВМнинг 12.05.1994 йилдаги 250-сон қарори билан тасдиқланган 3-сонли Рўйхатнинг 1 қисми).

– Иш берувчи томонидан пенсия тўлаш харажатлари қопланар эканда. Ходим меҳнат шaroити зарarli ва оғир бўлган корхонада ишлаган, 5 йил олдин пенсияга чиқиш ҳуқуқини берадиган ишлар белгиланган рўйхатга мувофиқ имтиёзни қўлга киритган чоғида ишдан бўшаган ва бошқа корхонага ишга кирган ҳамда ўша ердан пенсияга чиққан

бўлса, бу вазиятда қандай йўл тутилади? У ишлаб, имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқини олишга муваффақ бўлган корхона томонидан пенсия тўлашга оид амалдаги харажатлар Пенсия жамғармасига қоплаб берилиши лозимми?

– Ҳа, албатта. Пенсияга 5 йил олдин чиқишга ҳуқуқ берувчи меҳнат шaroити зарarli бўлган корхона ва ташкилотлар, у ерда ходим ёшни 5 йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган зарур махсус стажни (Қонуннинг 12-моддаси «б» кичик банди) ишлаб тўплаган, ушбу пенсияларни тўлаш харажатларининг ўрнини қопловчи маблағларни Пенсия жамғармасига ўтказадилар (Қонуннинг 66-моддаси 2-қисми).

– Яъни ходимга имтиёзли пенсия олиши учун айнан зарarli меҳнат шaroитларида ишланган ташкилотдан пенсияга чиқиш шарт бўлмайдими?

– Ходим имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқини берадиган зарarli меҳнат шaroитларида муайян давр ишлаган бўлса, кейин ишни қаерда давом эттирганлигига (бунда зарarli ишлардан ишлагани ёки ишламаганлигига) қарамай, унинг бу ҳуқуқни сақланиб қолади. Бироқ у белгиланган шартларга риоя қилган ҳолда, яъни куйидагилар мавжуд бўлганда имтиёзли пенсияга чиқиши мумкин бўлади:

➢ ёши – 55 ёшдан (эркаклар) ва 50 ёшдан (аёллар) кам бўлмаслиги;

➢ умумий ва махсус иш стажни эркаклар учун камида 25 йил бўлиб, бундан камида 12 йилу 6 ойи кўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келган тақдирда; аёллар учун иш стажни камида 20 йил бўлиб, бундан камида 10 йили кўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келган тақдирда.

Меҳнат шaroити зарarli ва оғир ишларда – камида 6 йилу 3 ой (эркаклар), камида 5 йил (аёллар) ишлаган ходимларга пенсия ёши эркакларнинг бундай ишдagi ҳар

Маълумот учун!

Пенсия жамғармаси **БЎЛИМИ** пенсионер ҳисобда турадиган жой бўйича ҳар ойда, кейинги ойнинг 1-санасигача ташкилотга боқувчисини йўқотганлик учун ва меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майибланганлик ёки касб касаллигига учраганлиги оқибатидаги ногиронлик учун пенсияларни **ТЎЛАШ** харажатларини қоплаш талабномасини ташкилотга **ЮБОРАДИ**.

ТАШКИЛОТ Пенсия жамғармасига ҳар ойда, пенсия тўланган ойдан кейинги ойнинг 25-санасигача ушбу харажатларни қоплаш учун тўлов **КИРИТАДИ**.

Мавзуйий сонни Алла Ромашко олиб боради.

2 йилу 6 ойи учун ва аёлларнинг бундай ишдаги ҳар 2 йили учун 1 йилга қисқартирилган ҳолда пенсия тайинланади (Қонуннинг 12-моддаси «б» кичик банди).

– **Корхона қандай муддат давомида ПЖ билан ҳисоб-китоб қилиши – ходим пенсия ёшига тўлгунига қадарми ёки ёшидан қатъи назар, тўловларни мунтазам киритиши лозимми?**

– Ташкилот ходим пенсия ёшига етгунига қадар (Қонуннинг 7-моддаси) унинг энг кам миқдоридан кам бўлмаган (ўртача ойлик иш ҳақининг 60%) пенсияларни тўлашга ўтган йил учун Пенсия жамғармасининг амалдаги харажатларини ҳар йили 1 февралгача тўлиқ қоплаши лозим (Низомнинг 10, 11-бандлари, ВМнинг 23.12.2014 йилдаги 357-сон қарорига 1-илова).

– **Корхона тугатилаётган бўлса, пенсия тўлови учун маблағлар ким томонидан тўланади?**

– Ташкилот тугатилаётганда ушбу маблағлар тугатиш

комиссияси (тугатувчи) томонидан мажбурий тартибда **ҳодимлар пенсия ёшига етгунга қадар** бўлган муддатга капиталлаштирилишни ҳисобга олган ҳолда ажратилади (357-сон Низомнинг 14-банди).

– **Иш берувчи ПЖга фақат имтиёзли пенсияни тўлаш харажатларини қоплаш ҳисобига тўловлар киритадими ёки яна бошқа мажбуриятлар ҳам борми?**

– Корхоналар ва ташкилотлар боқувчисини йўқотганлик учун, ходимнинг меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майибланганлиги ёки касб касаллигига учраганлиги оқибатидаги ногиронлик учун пенсияларни тўлаш харажатларининг ўрнини қопловчи пулни иш ҳақи тўлашга мўлжалланган маблағлар ҳисобидан Пенсия жамғармасига ўтказиши (Қонуннинг 66-моддаси).

Ишсиз деб топилганларга муддатидан олдин тайинланган ёшга доир пенсияни тўлаш харажатлари аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари томонидан қопланади.

Истиқболлар

Пенсия ислоҳотининг янги Концепцияси тайёрланади

Матбуот анжуманида Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси вакиллари томонидан маълум қилинганидек, ушбу санагача ҳужжат лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасига қўйилади.

Жаҳон банки, ХВФ ва бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳужжат устида иш олиб борилмоқда.

Бошқа давлатларга нисбатан энг кам ҳисобланган пенсияга чиқиш ёши босқичма-босқич ўзгартирилади. Дунёда эркаклар ва аёллар учун ўртача пенсия ёши 62 ёшни, Ўзбекистонда эса 57,5 ёшни ташкил этади. Шунингдек 7 йилни ташкил этадиган, пенсия тайинлаш учун энг кам стаж босқичма-босқич оширилиши режалаштирилмоқда (Халқаро меҳнат ташкилоти Конвенциясига мувофиқ – 15 йил).

2011 йилдан 2019 йилгача Ўзбекистондаги пенсионерлар сони 2,4 бараварга ошди. 2019 йилда улар 339 минг кишига кўпайди. Бунда расман иш билан банд аҳоли – 4,76 млн киши, улар иқтисодий жиҳатдан фаол аҳолининг 32,5%ини ташкил этади.

– Ўтган йилда пенсияларни тўлаш харажатларининг 9,3%и Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан компенсацияланди. 2019 йилда компенсация миқдори 4 трлн сўмни ташкил этган бўлса, бу йил 8 трлн сўм ажратилиши Сенат томонидан маъқулланган, – деб таъкидлади бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ижрочи директори **Баҳром Ашрафзонов**.



Пенсия бадалларини тўлашда аҳоли манфаатдорлигини ошириш учун уч даражали пенсия таъминоти тизимига ўтилиши кўриб чиқилмоқда. Биринчи даражасида энг кам миқдордаги давлат пенсияси тўланиши назарда тутилмоқда. Иккинчи даражасида – МБ қайта молиялаштириш ставкасидан кам бўлмаган миқдорда фоизлар ҳисобланган ҳолда иш ҳақидан муайян суммадаги ажратмалар асосида шахсий ҳисобварақда жамланган пенсияни тўлаш. Учинчи ҳолатда Пенсия жамғармасига ажратмалар миқдори аҳоли томонидан белгиланади.

Маъзувий сонни Алла Ромашко олиб боради.

Жорий йилда фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисидаги янги қонун қабул қилинади. Амалдаги Қонун 1994 йилда қабул қилинган. Қонунга 26 марта тузатишлар киритилганлигига қарамай, унда ҳаволаки нормалар, ўзини оқламаган имтиёзлар ҳам талайгина. Ҳозирга қадар алоҳида соҳа ходимлари, мукофотланган ва увонларга эга фуқароларнинг рўйхати мавжуд, улар муддатидан олдин пенсияга чиқиш имкониятига эгалар ёки пенсияга юқори миқдорда устамаларни асосланмаган ҳолда оладилар. Бундай имтиёзлар 642,4 минг кишига берилган.

Идоралараро маълумотлар алмашинувини кенгайтириш мақсадида «Пенсия» дастурий комплексини модернизация қилиш режалаштирилмоқда, бу янги комплекс бўлиши мумкин. Ҳозирги вақтда 2,4 млн пенсионерлар СМС-хабар тизимидан фойдаланадилар, ЯИДХП орқали ахборот олиш учун бошқа онлайн-хизматлар ҳам жорий

этилган, давлат хизматлари марказлари орқали бола тутилганлиги ва дафн маросими учун нафақалар олишга буюртмалар бериш жараёни автоматлаштирилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 5.12.2019 йилдаги 971-сон қарори билан тасдиқланган Низомда Ягона миллий меҳнат тизимида жисмоний шахслар ўзининг ўтган даврлардаги меҳнат фаолияти ҳақидаги маълумотларни мустақил равишда жойлаштиришга ҳақли эканлиги назарда тутилган. Бунда киритилган маълумотлар ёзув киритилганидан кейин 15 кун мобайнида Пенсия жамғармаси органлари томонидан верификация қилинади (тасдиқланади). 2020 йил 1 апрелга келиб ушбу маълумотларни киритиш ва уларни верификация қилиш механизми аниқлаштирилади.

Лола Абдуазимова.

Бизга ёзган экансиз

Танлаш имкони берилади

? *Пенсия жамғармасидан пенсияни пластик картага (100%) оладиган пенсионер ишга жойлашяпти. Ҳозир барча ишлайдиган пенсионерлар пенсиясини 100% олаётган пайтда, аввалгидек, уни рўйхатдан ўтказиш ва иш жойидан пенсия олиши учун буюртмани расмийлаштириш зарурми?*

– Бугунги кунда бундай талаб қатъий қўйилмаяпти, чунки барча ишлайдиган пенсионерларга пенсия тўлиқ тўланмоқда. Илгари ишлайдиган пенсионерларга пенсия қисман тўланган шароитда, ушбу норма ўринли бўлган.

Бироқ «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 53-моддасида ишлаб турган

пенсионерларга пенсиялар уларнинг иш жойида тўланиши талаб этилади.

Пенсия жамғармасининг маълум қилишича, бугунги кунда қонун ҳужжатларига пенсия тўлашни (иш жойи ёки яшаш жойи бўйича) танлаш ҳуқуқини белгилаш назарда тутилган ўзгартиришлар киритиш масаласи кўриб чиқилмоқда.

Ёрдам олиш ҳуқуқи

? *Акам Россия фуқароси ҳисобланган ва ўша ерда яшаган. У вафот этди. Ўзбекистонда унинг биринчи никоҳидан 10 ёшли ўғли бор.*

Унга боқувчисини йўқотганлик пенсияси тўланишига умид қилса бўладими? Пенсия тўланадиган бўлса, бунинг учун нима қилиш керак?

– Ҳа, тўланади. Ўғил боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олиши учун онаси яшаш жойидаги туман Пенсия жамғармаси бўлимига ариза билан мурожаат қилиши ва

отасининг ўлими ҳақидаги гувоҳномани тақдим этиши лозим (Низомнинг 18-банди, ВМнинг 7.04.2011 йилдаги 107-сон қарорига 1-илова).

Маълумот учун!

Ишламайдиган II гуруҳ ногиронининг ЁЛФИЗ пенсионер жумласига **МАНСУБЛИГИ** прописка тўғрисидаги маълумотлар (турар жойи бўйича бир ўзи яшаши), шунингдек унинг яқин қариндошлари йўқлиги ҳақида ПЖ ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи вакиллари томонидан тузилган далолатнома билан **ТАСДИҚЛАНАДИ**.

Маъзувий сонни Алла Ромашко олиб боради.

Сизга берилмайди

? *Синглим турмуш ўртоғи 2010 йилда вафот этганидан кейин боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олади. Пенсия жамғармасида нон харид қилиш учун тўланадиган нафақани тайинлаш тўғрисидаги масалани ҳал этишда унга ушбу нафақа тўланмаслигини айтишган, сабаби турмуш ўртоғининг пенсиясини олаётган экан.*

У нон харид қилиш учун қўшимча нафақа олишга ҳақлими? Қайси ҳужжатларни ҳавола қилса бўлади?

– Синглингиз боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олаётганлигига қарамай, ушбу компенсацияни олишга ҳақли. Вазирлар Маҳкамасининг 14.01.2019 йилдаги 866-сон қарорига мувофиқ ёшга доир энг кам пенсия миқдорида кам пенсия олувчи шахслар, шунингдек боқувчисини

йўқотганлик пенсияси ва нафақасини олувчи шахслар ун ва қолипли нон харид қилиш бўйича қўшимча харажатларни қоплаш учун тўланаётган 50 минг сўм миқдоридаги ҳар ойлик компенсацияни олишга ҳақли.

Қоғозбозликларсиз...

? *Ҳозир ШЖБПҚдан жамғармани олиш учун Пенсия жамғармасидан тўловларни олиш ҳуқуқини берувчи гувоҳномани олиш шарт эмас деб эшитдим. Шу тўғрими?*

– Ҳа, шундай. Ҳозирги пайтда Пенсия жамғармаси ва Халқ банки ўртасида пенсия ва нафақа олувчилар тўғрисидаги ахборотларнинг электрон алмашинуви йўлга

қўйилган. Шу муносабат билан ушбу гувоҳномани тақдим этишга зарурат йўқ.

Пенсияга – муддатидан олдин

? *Пенсияга чиқишимга 2 йил қолди. Бироқ бизда катта штат қисқариши бўляпти. Қонун ҳужжатларига кўра, бундай ҳолатда пенсияга олдинроқ чиқиш мумкин деб эшитгандим. Ҳақиқатан шундайми?*

– Технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан ишдан озод этилган ва ишсиз деб эътироф этилган шахслар муддатидан олдин пенсияга чиқиши назарда тутилган (Қонуннинг 14-моддаси):

- эркаклар – 58 ёшга тўлганда ва иш стажы камида 25 йил бўлган тақдирда;
- аёллар – 53 ёшга тўлганда ва иш стажы камида 20 йил бўлган тақдирда.

Мазкур ҳолатда **муддатидан олдин пенсия тайинлаш тўғрисидаги аризани беришда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги туман (шаҳар) Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказининг сизни ишсиз**

деб эътироф этиш тўғрисидаги тақдимномаси илова қилиниши лозим (Низомнинг 12-банди «п» кичик банди, ВМнинг 8.09.2011 йилдаги 252-сон қарорига 1-илова).



Маълумот учун!

Офицерлар таркибидан бўлган шахсларнинг, прапоршчикларнинг, мичманларнинг ва муддатдан ташқари хизмат ҳарбий хизматчиларининг хотинлари, уларни ишга жойлаштириш имконияти бўлмаган жойларда эрлари билан **ЯШАГАН ВАҚТ МАЪЛУМОТНОМА** билан тасдиқланади.

Аниқлаштиришим керак

? *Ҳисобланган пенсия тўғри эканлиги қандай текширилади?*

– Ҳисобланган пенсия тўғрилигини ўзингиз текширишингиз жуда мушкул. Пенсия ҳисоб-китоби нафақат иш стажи тўғри ҳисобланиши, балки пенсия ҳисоблаш учун олинган ўртача ойлик иш ҳақи тўғри аниқланишига ҳам боғлиқдир.

Бирор шубҳа пайдо бўлганда, туман Пенсия жамғармаси бўлимига мурожаат қилишингиз ва пенсия ҳисобланиши (ҳисоб-китоби) тўғрисида маълумот олишингиз мумкин.

Маълумот олганингиздан кейин ҳам сизга ҳисобланган пенсия (ҳисоб-китоб) тўғрилигига ишонч ҳосил қилмаган бўлсангиз, тушунтириш олиш учун Пенсия жамғармасининг ҳудудий бошқармасига ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ижро аппаратига мурожаат қилишингиз мумкин.

Олган тушунтиришларингиз сизни қониқтирмаса, судга мурожаат қилишга ҳақлисиз (*Қонуннинг 48-моддаси*).

Пенсия ёки нафақа

? *Кўшим пенсия ёшидаги хориж фуқароси, сўнги пайтларда Ўзбекистонда доимий истиқомат қилмоқда.*

У Ўзбекистонда кўп ишламаганлиги сабабли меҳнат стажи жуда кам, шундай бўлсада пенсия олишга умид қилса бўладими?

– Ҳа, Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳнома-сига эга бўлса ва камида 7 йил иш стажи мавжуд бўлса, у пенсия олиши мумкин (*Қонуннинг 8-моддаси*). Ёшга доир пенсия бор стажга муносоиб миқдорда тайинланади (*Қонуннинг 29-моддаси*).

Кўшингиз фуқароси бўлган мамлакат номини кўрсатмагансиз. Унинг меҳнат фаолияти собиқ СССР давлатларида ўтган бўлса, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар фуқароларининг пенсия таъминоти

борасида ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисидаги битимга (*Москва, 13.03.1992 й.*) мувофиқ 1992 йил 13 мартга бўлган давр иш стажига кўшилади.

Унда пенсия тайинланиши учун зарур иш стажи бўлмаса, нафақа олиш учун мурожаат қилиши мумкин. Ёшга доир нафақа: эркакларга – 65 ёшга етганларида; аёлларга – 60 ёшга етганларида тайинланади (*Низомнинг 6-банди, ВМнинг 7.04.2011 йилдаги 107-сон қарорига 2-илова*).

Артистлар учун устама ҳақлар

? *Ижодий ходимлар учун пенсияга қандайдир устама ҳақлар мавжудми?*

– Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган рўйхатга кўра ёшидан қатъи назар, имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлган артистларга, театр-концерт ташкилотлари артистлари ва бадий ходимларига, театр ва муסיқа санъати ижодий ходимларини тайёрловчи ўқув муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ва концертмейстерларига пенсияга устама ҳақлар берилади. Тўлов миқдори БҲМнинг 50-75%ини ташкил этади (*Қонуннинг 28-моддаси «л», «м» кичик бандлари*).

Фахрий унвонларнинг мавжудлиги пенсияга кўшимча тўловлар олиш ҳуқуқини беради. Ишламайдиган пенсионерларга бундай тўловлар Президентнинг Фармонида

мувофиқ ҳисобланади (*17.12.2007 йилдаги ПФ-3942-сон Фармон билан тасдиқланган Миқдорлар*).

Илгари амал қилган қонун ҳужжатларига асосан берилган фахрий унвонларга эга бўлган шахсларга тўловлар амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган миқдорларда тўланади (*Низомнинг 114-банди, ВМнинг 8.09.2011 йилдаги 252-сон қарорига 2-илова*).

Пенсия тайинлаш учун мурожаат қилинганда, бошқа ҳужжатлар қаторида фахрий унвон берилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ҳам аризага илова қилинади (*252-сон Низомнинг 16-банди*).

Оналар учун имтиёз



Аёл болалигидан ногирон болани тарбияляпти. У пенсияга олдинроқ чиқса бўладими ва бунинг учун қандай стажга эга бўлиш керак?

– Болалиқдан ногирон фарзандларнинг оналари учун, охириги иш жойидан қатъи назар, пенсия ёшини 5 йилга қисқартирган ҳолда **50 ёшдан** пенсияга чиқиш ҳуқуқи назарда тутилган. Бунда иш стажы 20 йилни ташкил этиши лозим (*Қонуннинг 12-моддаси «з» банди*).

Имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқини олиш учун ТМК

томонидан берилган, бола **8 ёшгача** ногирон деб эътироф этилганлигини тасдиқловчи тиббий хулоса ёки ТМК томонидан берилган, ногиронлиқни белгилаш учун асос ҳисобланадиган касаллик бўйича даволаш-профилактика муассасасида ҳисобда туриши ҳақидаги маълумотнома тақдим этилиши лозим.

Таътил ва ўқиш ҳисобга олинмайди



Имтиёзли пенсия олиш учун махсус стаж зарурлигини биламан. Қайси даврлар махсус стажга киритилмайди?

– Иш ҳақи сақланмайдиган таътил, академик (ўқиш) таътиллари махсус стажга киритилмайди. Шунингдек малака ошириш курсларида, клиник ординатурада (интернатурада) ўқиш даври, ишлаб чиқариш амалиёти ўташ ёки ўқиш даври ҳисобга олинмайди.

Талабалар, стажёр-тадқиқотчилар, интернлар, ас-

пирантлар ўқиш даврида имтиёзли пенсия таъминоти ҳуқуқини берадиган ишларда ишлаган бўлсалар, ушбу давр тўлиқ иш куни давомида ишлаб берилган шароитда махсус стажга қўшилади.

Доимий иш билан банд бўлмаган ходимларга махсус стаж ҳақиқатда ишланган вақт учун ҳисобланади.

Зафаржон Хўжаев, «Norma» МЧЖ эксперти.

Буни билган маъқул

Пенсия тайинлаш тартиби

Пенсия тайинлаш тўғрисидаги масалалар Пенсия жамғармасида пенсия тайинлаш комиссияси томонидан кўриб чиқилади. Унинг фаолиятини ташкил этиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

Комиссия ариза ва бошқа зарур ҳужжатлар келиб тушганидан кейин 10 кунлик муддатда тегишли қарорни (пенсия тайинлаш, уни тайинлашни рад этиш, тақдим этилган ҳужжатларнинг асослилигини текшириш ва бошқалар тўғрисидаги қарорларни) қабул қилади.

Зарур ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаган ёки қўшимча текширув талаб этиладиган бўлса, комиссия ариза берувчининг ёзма розилиги билан шубҳа уйғотмаган мавжуд ҳужжатлар бўйича пенсия тайинлаши мумкин.

Пенсия ҳужжатлари комиссия томонидан пенсия тайинлаш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан кейинги кунни шакллантирилиши лозим.

Пенсия тайинлаш **рад этилганда** Пенсия жамғармаси қарор чиққанидан кейин **5** кундан кечиктирмай ташкилотга ёки ариза берувчига рад этиш сабаблари, қарор устидан шикоят қилиш тартиби кўрсатилган **хабарномани** бериши

ва бир йўла тақдим этилган барча ҳужжатларнинг аслини **қайтариши** лозим.

Комиссия қарори устидан Пенсия жамғармаси бўлимининг юқори турувчи органига ёки судга шикоят қилиш мумкин.

Боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олиш ҳуқуқига эга бўлган барча оила аъзоларига битта умумий пенсия тайинланади. Оила аъзосининг талабига кўра пенсиядаги унинг улуши ажратилади ва унга алоҳида тўланади.

III гуруҳ ногиронлиги бўлган боқувчиси вафот этган оила аъзолари меҳнатга лаёқатсиз оила аъзолари жумласига киритилмайди.

Оила аъзоларидан кимдир вафот этган боқувчининг болалари, укалари, сингиллари ёки невараларини улар 2 ёшга тўлгунга қадар парваришлаш билан банд бўлса ва пенсия олса, унинг танловига кўра фақат битта турдаги пенсия тайинланади.

Маъзувий сонни Алла Ромашко олиб боради.

1, 2 ва 3-сон рўйхатларда назарда тутилган ишларни бажарадиган айрим тоифадаги фуқаролар имтиёзли шартларда ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эгалар.

Технологиялар, ишлаб чиқариш ва меҳнат жараёнидаги ўзгаришлар, корхона тугатилганлиги, штат қисқартирилганлиги туфайли бўш қолган ва ишсиз деб

эътироф этилган шахсларга мuddатидан олдин пенсия тайинланади.

Иш стажы тўлиқ бўлмаганда мавжуд стажга мутаносиб равишда пенсия ҳисобланади.

Пенсионерга расмий ҳужжат ҳисобланадиган пенсия гувоҳномаси берилади.

Маълумот учун!

Меҳнатда майибланганлик ёки касб касаллигига учраганлиги оқибатидаги ногиронлик **ПЕНСИЯЛАРИ** иш стажидан **ҚАТЪИ НАЗАР** тайинланади.

Хорижда қандай

РФ пенсия ислоҳоти демографик прогнозда

Россия статистика қўмитаси томонидан Россияда пенсия ёши оширилиши бошланганлигини ҳисобга олган ҳолда прогноз янгилангандан кейин 2035 йилга қадар демографик юклама даражаси кескин пасайтирилади.

Россия статистика қўмитаси илк бор Россияда пенсия ёши оширилганлигини ҳисобга олган ҳолда 2035 йилга қадар демографик юклама прогнозини ҳисоблаб чиқди. Натижада демографик юклама коэффициенти 2018 йил октябрда чоп этилган олдинги прогноз вариантга солиштирилганда анча пасайди. Бундай пасайиш аввало пенсия ёши чегараси оширилганлиги сабабли меҳнат лаёқатли ёшдан катта аҳоли қисқариши ҳисобига юзага келди.

Демографик юклама коэффициенти меҳнатга лаёқатли ёшдаги 1 минг нафар фуқарога қанча меҳнатга лаёқатсиз ёшдаги одамлар (болалар ва пенсионерлар) тўғри келишини кўрсатади. Қиймат қанчалик юқори бўлса, Россия Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлайдиган ва унинг даромад бир қисмини шакллантирадиган меҳнатга лаёқатли аҳолига демографик юклама шунча юқори бўлади.

Янги демографик прогнозга мувофиқ 2035 йилга келиб меҳнатга лаёқатли 1 минг россияликка 622 нафар меҳнатга лаёқатсиз фуқаро тўғри келади, улардан 391 нафари ўртача прогноз бўйича пенсионер (601 нафари – кўйи вариант бўйича ва 664 таси юқори вариант бўйича).

2018 йил октябрдаги аввалги пргнозда 2035 йилга келиб, меҳнатга лаёқатли 1 минг россияликка 839 нафар меҳнатга лаёқатсиз фуқаро тўғри келиши мўлжалланган эди, улардан 553 нафари ўртача прогноз бўйича пенсионер (829 нафари – кўйи вариант бўйича ва 893 таси юқори вариант бўйича).

Прогнознинг ўртача варианты ҳақиқатга яқин деб ҳисобланади – унда юзага келган демографик тенденция, шунингдек қабул қилинадиган демографик сиёсат чоралари ҳисобга олинади. Юқори варианты мақсадли ҳисобланади ва миллий лойиҳаларни муваффақиятли амалга оширишни назарда тутлади.

Пенсияга чиқиш ёши ўзгартirilганлиги сабабли ўтган ва жорий йилги прогнозлар бўйича 2035 йилга демографик юклама кўрсаткичлари бири-бирига солиштирса бўлади, деб таъкидлашди Россия статистика қўмитасида.

Россиядаги пенсия ислоҳоти 2019 йилда бошланган бўлиб, 10 йил, 2028 йилга келиб пенсияга чиқиш ёши аёллар учун 60 ёшга ва эркаклар учун 65 ёшга етганига қадар давом этади. Пенсия ёши босқичма-босқич оширилади. Пенсия ёши оширилиши даҳл қиладиган россияликларнинг дастлабки икки авлоди (1959–1960 йилларда туғилган эркаклар ва 1964–1965 йилларда туғилган аёллар) учун алоҳида имтиёз – янги пенсия ёшидан ярим йил олдин пенсияга чиқиши назарда тутилган.

Иқтисодий ривожланиш вазириги прогнозига қараганда, 2036 йилгача пенсия ёши оширилиши туфайли ишчи кучи сони 2018 йилдаги 75,8 млн кишидан 2036 йилда 79,2 млн кишигача ошади.

Манба: РБК.

Дивидендлар товарлар билан

2015 йилда ҚҚда дивидендлар тақсимланган. Ўзбекистондаги муассислар дивидендларни олишган, хорижлик муассис эса олмаган.

Корхона дивидендлар бўйича қарзни тайёр маҳсулот билан тўлаши мумкинми?

Хорижий корхона – муассис қандай ҳужжатларни тақдим этиши керак?

– Қонун ҳужжатларида муассисларга дивидендларни фақат пул шаклидагина тўлаш назарда тутилмаган.

МЧЖ асосий воситалар, ТМҚ, тайёр маҳсулотлар ва бошқаларни бериш орқали дивидендларни тўлашга ҳақли. Дивидендларни тайёр маҳсулот кўришида тўлаш тўғрисидаги қарор муассисларнинг умумий йиғилишида қабул қилинади ва баённома билан расмийлаштирилади («Масъуляти чекланган ҳам қўшимча масъулятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуннинг 25-моддаси). Дивидендларни тўлаш

ҳисобига тайёр маҳсулотлар берилганлигини тасдиқлайдиган бошланғич ҳужжатлар қуйидагилар ҳисобланади:

➤ муассиснинг дивидендлар ҳисобига тайёр маҳсулотлар берилиши сўралган ариза ва тегишли қарор баённомаси;

➤ ҳисобварақ-фактура (муассисга дивидендлар ҳисобига тайёр маҳсулотлар берилиши жамият учун реализация қилиш ҳисобланади);

➤ тайёр маҳсулотни қабул қилиш-топшириш далолатномаси.



Исталган минтақада ишлаш мумкин

Фаолият юритаётган ишлаб чиқариш корхонаси Тошкент шаҳридаги почта манзили бўйича рўйхатдан ўтказилган. Шунингдек Тошкент вилоятида ер участкасига эга, у ерда айни пайтда янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича тайёргарлик ишлар олиб борилмоқда. Ер ва мол-мулк солиқлари Тошкент вилояти ДСИга тўланмоқда. Ҳозирги пайтда Тошкент вилояти ҳокимлиги корхонанинг почта манзилини Тошкентдан Тошкент вилоятига кўчиришни талаб қилмоқда, бундан ички баённомаси билан асосламоқда.

Тошкент вилояти ҳокимлиги нимага асосланиб, корхонанинг почта манзилини ўзгартиришни талаб қилмоқда?

– Ҳокимлик ходимларининг корхона почта манзилини ўзгартириш тўғрисидаги талаблари ноқонуний.

Юридик шахснинг устави ва бошқа таъсис ҳужжатларида юридик шахснинг номи, унинг жойлашган ери (почта манзили) белгилаб қўйилади (ФКнинг 43-моддаси 4-қисми). Юридик шахснинг жойлашган ери, агар таъсис ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, у давлат рўйхатидан ўтказилган жой билан белгиланади (ФКнинг 46-моддаси 3-қисми).

Юридик шахслар – Ўзбекистон резидентлари ўзлари жойлашган ердаги солиқ хизматида солиқ тўловчи сифатида ҳисобга қўйилади (Солиқ кодексининг 128-моддаси 1-қисми). Яъни

корхонанинг уставда белгиланган ва рўйхатдан ўтказилган почта манзили бўйича Тошкентда жойлашган ери қонуний ҳисобланади.

Объектлар бўйича ҳисобга қўйиш солиқ тўловчи сифатида ҳисобга қўйилганидан кейин амалга оширилади. Асосий бўлмаган ҳисобга қўйилган жойи бўйича ер солиғи, мол-мулк солиғи ёки сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлаш мажбурияти юзага келган бўлса, шундай қилиш зарур бўлади (Солиқ кодексининг 131-моддаси 2-қисми).

Сизнинг ҳолатда ер солиғи ва мол-мулк солиғи объектлар бўйича ҳисобга қўйишга мувофиқ тўланади, бу сиз рўйхатдан ўтган почта манзилига таллуқли эмас.



Аҳолига хизмат кўрсатишда НКМ бўлиши шарт

Улгуржи савдо корхонаси ксеронусхаларни олиш бўйича аҳолига қўшимча хизматлар кўрсатишни режалаштирмоқда. Аппаратлар бундай хизматларга эҳтиёж бўлган жамоат жойларидаги турли шохобчаларда жойлаштирилади.

Ҳар бир ксеронусха кўчириш шохобчаларида НКМ ва тўлов терминаллари бўлиши шартми?

Тушумни ҳар кунги инкассациялаш лозимми?

– Ҳа, хизматлар реализация қилинадиган ҳар бир шохобчада НКМ ва тўлов терминали бўлиши шарт. Хизматлар кўрсатишда аҳоли билан пулли ҳисоб-китоблар НКМ ва тўлов терминаллари мажбурий тартибда қўлланган ҳолда амалга оширилади, айрим тоифадаги юридик шахслар бундан мустасно (Низомнинг 2-банди, ВМнинг 17.11.2011 йилдаги 306-сон қарорига 1-илова; АВ томонидан 27.07.2009 йилда 1986-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомнинг 2-банди). Кўриб чиқилаётган ҳолат ушбу тоифаларга тааллуқли эмас (Рўйхат, ВМнинг 306-сон қарорига 3-илова).

Инкассация қилиш даврийлиги ҳар кунлик тушум миқдорига боғлиқ бўлади. 2018 йил 1 ноябрдан бошлаб хўжалик юритувчи субъектлар томонидан нақд пул тушумини қуйидаги суммаларда топшириш имконияти жорий этилган (30.10.2018 йилдаги ПФ-5564-сон Фармоннинг 1-банди «в» кичик банди):

➤ БХМнинг 20 бараваридан ортиқ бўлганда – банк кассаларига инкассация хизматлари орқали ёки мустақил равишда;

➤ БХМнинг 20 бараваридан кам бўлганда – банк кассаларига инкассация хизматлари орқали ўзлари белгиланган даврларда ёки мустақил равишда.

Зарар суммаси юзасидан баҳслашиш ҳуқуқи

Сугурта компаниясида транспорт воситаси сугурта қилинган. Сугурта ҳодисаси (ИТХ) рўй берди. Компанияда сугурта қопламини тўлаш мажбурияти юзага келди. Баҳолашишга кўра транспорт воситасига етказилган зарар 10 млн сўмни ташкил этган. Бироқ ҳақиқий зарар бирмунча камроқ эди. Мижоз билан зарар суммасини камайтириш тўғрисида олиб борилган музокаралар бесамар кетганидан кейин компания Республика суд экспертизаси марказида транспорт воситасига етказилган зарарни қайта баҳолади. Баҳолаш зарар 5,5 млн сўмни ташкил этганини кўрсатди. Мижоз 10 млн сўм зарарни қоплаш юзасидан компанияни судга берди. Транспорт воситасини сугурта-лаш шартномасида мустақил баҳоловчининг баҳосига мувофиқ зарар тўланиши кўрсатилган. Шартномада қайта баҳолаш акс эттирилмаган.

Сугурта компаниясининг фикрича, дастлабки баҳолаш юқори бўлганда, у сугурталанган транспорт воситасига етказилган зарарни қайта баҳолашга ҳақли бўладими?

– Зарар баҳосидан норози бўлсангиз, судда экспертиза тайинланиши тўғрисидаги илтимоснома тақдим этишингиз мумкин (ИПКнинг 80-моддаси; ФПКнинг 95-моддаси).


Ўтказилган баҳолаш тўғрисидаги ва холислигига асосли шубҳаларингиз бўлса, шартномалар кўрсатилган-кўрсатилмаганлигидан қатъи назар, экспертиза ўтказилади. Сиз баҳолашни суднинг тайинлашига қараб эмас, балки мустақил равишда ўтказганли-

гингиз сабабли унинг натижаларидан экспертиза тайинлаш зарурати учун асос сифатида фойдаланишгиз мумкин. Олинган баҳолаш натижаларини илтимосномангизга илова қилинг. Бироқ экспертиза ташаббускори сифатида сиз унинг ўтказилиши учун ҳақ тўлайсиз. Экспертга тўланадиган сумма экспертиза ўтказилгунига қадар суднинг депозит счётига тўланади (ИПКнинг 117-моддаси; ФПКнинг 135-моддаси).

Альберт Сафин, «Norma» МЧЖ эксперти.

Ягона миллий меҳнат тизими қандай ишлайди

2020 йил 1 январдан бошлаб иш берувчилар Ягона миллий меҳнат тизимида (ЯММТ) ишлашни бошладилар, унда меҳнат шартномалари рўйхатдан ўтказилади ва электрон меҳнат дафтарчалари шакллантирилади (31.10.2019 йилдаги ПҚ-4502-сон; ВМнинг 5.12.2019 йилдаги 971-сон қарори). Амалиётда бунга оид саволлар юзга кела бошлади. Тез-тез учрайдиган саволларга «Norma» МЧЖнинг кадрлар масалалари бўйича эксперти Ленера Хикматова жавоб беради.



1. Биринчи марта ишга қабул қилинаётган ходимларга қоғоз шаклидаги меҳнат дафтарчалари бланкалари харид қилиниши зарурми?

– 2020 йил 1 январдан кейин ишга қабул қилинган ходимлар учун меҳнат дафтарчалари бланкаларини харид қилиш шарт эмас, чунки уларнинг меҳнат фаолияти тўғрисидаги барча маълумотлар электрон меҳнат дафтарчасида акс эттирилади.

2. Қоғоз шаклидаги меҳнат дафтарчалари тарихда қолиб, электрон дафтарчалар билан алмаштирилди, кадрларга оид бошқа ҳужжатлар нима бўлади?

– Улар ҳозирча ўзгармайди. Барча кадрларга оид ҳужжатлар худди илгаригидек расмийлаштирилади ва юритилади.

3. Ташкилотда кўп йиллардан буён ишлайдиган ходимларнинг меҳнат дафтарчалари энди қандай юритилади?

– Ходим билан тузилган меҳнат шартномалари бекор қилинганга қадар уларни ташкилотда сақлаш давом этинг. У ишдан бўшаганидан кейин қоғоз шаклидаги меҳнат дафтарчасида ҳам ЯММТдаги тегишли ёзувларни қайд этинг ва уни эгасига топширинг. Бундан кейин эса ушбу jisмоний шахсининг меҳнат фаолияти тўғрисидаги ёзувлар қоғоз шаклидаги меҳнат дафтарчасига киритилмайди. Қоғоз шаклидаги меҳнат дафтарчасининг эгасига шу пайтдан бошлаб уни сақлаш масъулияти юклатилади.

4. Электрон меҳнат дафтарчасига ҳеч қандай ёзув киритилмаган бўлса ёки бутун меҳнат фаолияти тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлмаса, ташкилот раҳбари ходимнинг ёки номзоднинг меҳнат фаолияти ҳақида тўлиқ маълумотни қандай олиши мумкин?

– Меҳнат кодексининг 80-моддасида ходим иш берувчига қоғоз шаклидаги меҳнат дафтарчасини тақдим этишга мажбурийлиги белгиланган. Ҳозирча сиз ишга қабул қилинаётган ходимдан ушбу ҳужжатни сўраш учун юридик асосга эгасиз. Бироқ, яқин вақтда ушбу нормага тузатиш киритилиши мумкин.

5. Электрон меҳнат дафтарчаси шаклида унга ходимнинг меҳнат стажига тўғрисидаги барча маълумотлар, шунингдек унинг қариндошлари тўғрисидаги маълумотлар киритилиши назарда тутилган. Ушбу маълумотларни киритмаслик мумкинми?

Иқтисодий-ҳуқуқий газета
НОРМА МАСЛАХАТЧИ
ХУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ
ТАЪСИСЧИ «Norma» МЧЖ
Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.
Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

– Давлат мулкчилиги шаклидаги ташкилотларнинг кадрлар хизмати ходими ушбу маълумотларни киритиши шарт. Нодавлат ташкилотлари бундай қилиши шарт эмас, бу масалани ўз ихтиёрига кўра ҳал этиши мумкин.

Президентнинг 31.10.2019 йилдаги ПҚ-4502-сон қароридан 2020 йил 1 январгача бўлган иш стажига қоғоз шаклидаги меҳнат дафтарчаси асосида, 1 январдан эса ЯММТ маълумотлари бўйича ҳисобланади.

6. Ташкилотда анча йил олдин ишга қабул қилинган ходимлар ҳам бор. Уларнинг йиғмажилдида турли лавозимларга ва бўлинмаларга кўчирилгани ҳақида ёзувлар жуда кўп. Кадрлар ходимининг ишини енгиллаштириш учун бундай ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилиб, янғисини тузиш мумкинми?

– Бунга фақат ходимнинг розилиги билан йўл қўйилади. Ходим розилик билдирмаса, меҳнат шартномаси қайта тузилмайди.

Шунингдек иш берувчи ходимнинг ҳуқуқ ва манфаатларини чеклашга ҳақли эмас. Масалан, корхонанинг локал ҳужжатларида корхонада узлуксиз ишлаганлик учун устамалар ёки қўшимча меҳнат таътиллари назарда тутилган бўлади, шартномани бекор қилиш варианты тўғри бўлмайди.

7. ЯММТда пенсионерлар билан меҳнат шартномалари рўйхатдан ўтказилиши лозимми?

– Ҳа, ЯММТда барча амал қилаётган ва янги тузилдиган шартномалар рўйхатдан ўтказилиши шарт. Ушбу ҳолатда ходимнинг ёши аҳамият касб этмайди.

8. Корхонада анча йилдан буён ишлайётган ходим 2020 йил январда ўз ихтиёрига кўра ишдан бўшаши ҳақида ариза ёзди. Амал қилаётган меҳнат дафтарчалари ҳақидаги ахборот ЯММТга ҳали киритилмаган. Бундай шартномани бекор қилинишини тизимда рўйхатдан ўтказиш лозимми?

– 1 январдан ЯММТда нафақат ходимларнинг ишга қабул қилиниши, балки ишдан бўшатилиши ҳам рўйхатдан ўтказилиши мажбурийлиги сабабли ушбу саволга аниқ жавоб бериб бўлмайди. Шу билан бирга, 2020 йил 1 январгача ишга қабул қилинган jisмоний шахслар ҳақидаги маълумотларни киритиш учун 2020 йил 1 сентябргача муддат берилди. Бинобарин, шартнома тўғрисидаги маълумот ЯММТга киритилмаган бўлса, унинг бекор қилиниши ҳам рўйхатдан ўтказилмайди.

9. Jisмоний шахсининг ПИНи киритилганда тизим ходимнинг СТИРини топмайди, бу билан меҳнат шартномасини рўйхатдан ўтказилишига йўл қўймайди. Нега бундай ва бунда нима қилиш керак?

– Ходимнинг СТИРини аввалги паспортга берилган бўлса, шундай ҳолат юз беради. Бу масалани ҳал этиш учун солиқ инспекциясига ходимнинг СТИРини янги паспортга бириктиришни сўраб мурожаат қилиш керак. Буни ходимнинг ўзи ёки унинг розилиги билан кадрлар ишини юритувчи ходим амалга ошириши мумкин.

10. Маълумоти тўғрисидаги ахборотлар келтириладиган устунда ходимнинг дипломи тўғрисидаги маълумот акс эттирилмайди. Айтишларича, бундай маълумот автоматик тарзда акс эттирилар экан. Бу нимани англатади ва кадрлар бўлими ходими қандай йўл тутуши лозим?

– Ҳозирда дипломлар ва хорижий дипломлар эътироф этилган ҳужжатлар ҳақидаги маълумотлар базасини шакллантириш ишлари олиб борилмоқда. Шу боис, бундай вазиятга тўқнаш келган бўлсангиз, хавотирланманг – ишлашда давом этинг.

11. Ходимда шахсий ЭРИ мавжуд бўлмаса, ва OneID да рўйхатдан ўтмаган бўлса, ўзининг электрон меҳнат дафтарчасидаги маълумотларни қандай кўриши мумкин?

– Бир нечта варианты бор. Масалан, у Давлат хизматлари марказига мурожаат қилиб ЭРИ олиши мумкин. Бошқа варианты – OneID тизимида рўйхатдан ўтиш. Шунингдек ходим ташкилотнинг кадрлар ишини юритувчи ходимига ёки яшаш жойидаги Бандликка кўмаклашиш марказига электрон меҳнат дафтарчасини очиш ва маълумотларни аниқлаштиришни сўраб мурожаат қилиши мумкин.

12. Йиллик меҳнат таътилига чиққан ходимнинг иш жойи бўш иш ўрни сифатида акс эттирилади. Бунда ходим ҳам, иш берувчи ҳам меҳнат шартномасини бекор қилишни назарда тутмайди. Бандликка кўмаклашиш маркази бўш иш ўрнига номзодни юборганда, нима қилиш керак?

– ЯММТ техник жиҳатдан такомиллаштирилиши режалаштирилмоқда. Бундай ҳолатларда ходим таътилга чиққанлиги муносабати билан иш ўрни бўшлиғи тўғрисидаги белги қайд этилади. Ҳозирча эса Бандликка кўмаклашиш маркази ва номзодга вазиятни тушунтиришингизга тўғри келади. Сизда янги ходимларга эҳтиёж йўқлигини қайд этиш учун қонуний асос мавжуд.

Нашр учун масъул –
бош муҳаррир
ўринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Саҳифаловчи
Наталья
БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўча, 1/1,
Таҳририят тел. (71) 200-00-90
Обуна бўлими тел. (71) 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
ётказиб бериш ва харид қилиш масалалари
бўйича (71) 200-00-30;
«Norma» АКТ бўйича – (71) 200-00-90;
Рекламани жойлаштириш бўйича
(71) 231-07-91 телефон рақамларига
муурожаат қилиш мумкин.

Газета ношир – «ТОПРИТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Нашр курсатқичи – 186. Қоғоз бичими – А3. Ҳақами – 2 босма табоқ, Бяхори келтирилган нархда.
Буюртма г-122. Адади 640. Газета 2020 йил 20 январь соат 15.00 да топширилди.